

Ўзбекистон Республикаси номидан  
Х У К М

2000 йил июнь ойининг 00 кунида, жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти ..... туман суди, жиноят ишлари бўйича ..... туман суди биносида, очиқ суд мажлисида, ..... туман судининг раиси .....нинг раислигида, судья ёрдамчиси .....нинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси ..... туман прокурорининг ёрдамчиси ....., судланувчи .....нинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи адвокат ..... ҳамда жабрланувчи .....нинг иштирокида, 0-0000-0000/00-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

.....-1900 йил 00 февраль куни ..... туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам 1) жиноят ишлари бўйича охангарон туман судининг 26.05.1999 йилдаги ҳукми билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “в” банди билан судланган, судланганлик ҳолати тугалланган; 2) Жиноят ишлари бўйича Янгийўл туман судининг 2020 йил 27 январдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди, 228-моддаси 1-қисми, 228-моддаси 3-қисми билан ЖКнинг 59-моддасига асосан базавий ҳисоблаш миқдорнинг 200 баравари миқдоридан жарима жазоси тайинланган, жарима тўланмаган, Юқоричирчиқ туманида жойлашган “Mukammal Qurilish Invest” МЧЖ раҳбари бўлиб ишлаган, Паркент тумани, Ёшлик маҳалласи, Қурувчилар кўчаси, 1-уй, 5-хонадонда истиқомат қилади, 20.01.2019 йилда “гаров” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2020 йил 26 июнда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчиларнинг кўрсатувларига ҳуқуқий баҳо бериб, жиноят иши ҳужжатларини тафтиш қилиб, тарафларнинг музокарасини ҳамда судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи А.И.М, 2012 йилда Тошкент вилояти Юқоричирчиқ туманида бино ва иншоотларни қуриш ва таъмирлашга ихтисослаштирилган “Mukammal Qurilish Invest” масъулияти чекланган жамиятини ташкил қилиб, ўзи ушбу жамият раҳбари бўла туриб, жамият фаолият кўрсатиши учун лозим бўлган пул маблағларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш мақсадида фуқаро .....нинг ишончига кириб, 2019 йил 28 апрель куни соат тахминан 15:30да Қибрай тумани, Чинобод маҳалласи, Жомий кўчаси, 41-уйга келиб, унга тегишли бўлган 8 бош қорамолни 85.000.000 сўм эвазига



сотиб олиб, пул маблағларини 2019 йилнинг 15 май кунига қадар тўлаб беришга ваъда бериб, унинг ишончини қозониш мақсадида бу ҳақда тилхат ёзиб бериб, аслида қўлга киритган қорамолларни арзон нархда сотиб юбориб, қўлга киритган пул маблағларини қурилиш фаолиятида сарфлаш мақсади борлигини яшириб, 8 бош қорамолларни ваъда қилинган нархдан арзон бўлган 75.000.000 сўм пул маблағи эвазига сотиб, қўлга киритган пул маблағларини ўзи раҳбарлигидаги корхона ишчиларининг иш ҳақларини тўлаш учун сарфлаб юбориб, шу кунга қадар Б.Хнинг пул маблағларини қайтармасдан, унинг кўп миқдордаги пул маблағларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган А.И.М унга нисбатан эълон қилинган айбга иқдорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам 2012 йил у “Mukammal Qurilish Invest” МЧЖ ташкил қилганлиги, ушбу МЧЖда ўзи раҳбарлик қилганлиги, 2018 йилда у тендрда боғча қурилишини ютиб олганлиги, унга кўра унинг ҳисобига боғча қурилиши учун 2.770.000.000 сўм пуллар тушиши керак бўлганлиги, шу орада у боғча қурилишини бошлаб юборганлиги, шу пайтларда боғча учун ажратилган пуллар ҳисоб рақамга тўлиқ тушмаганлиги, боғча қурилиши учун у ўз ҳисобидан харажат қилганлиги, унинг ўз ҳисобидаги пуллар ҳам боғча қурилиши учун етмаганлиги, шундан сўнг у таниши Р.А билан учрашганлиги, боғча қурилиши учун унинг пуллари етмаганлиги айтганлиги, шунда Р.А Қибрай туманида “Баҳром” исмли таниши борлиги, у унга ёрдам бериши ҳақида айтганлиги, “Баҳром” исмли шахс қора моллар олди-бердиси билан шуғулланиши, у таниши Р.А билан унинг олдига боришганлиги, шунда у “Баҳром” исмли шахсдан қора моллар сотиб олмоқчи эканлигини айтганлиги, шунда “Баҳром” исмли шахс уларга молларни танлашини айтганлиги, у 9 бош қора молларни танлаганлиги, ушбу қора молларни умумий 85.000.000 сўмга келишишганлиги, шу пуллардан И.А 4.500.000 сўмини берганлиги, шундан қолган 80.500.000 сўм пулларни у бир ой ичида бўйиб-бўлиб тўлаб беришини айтганлиги, у ундан олган молларни бозорга олиб чиқиб 75.000.000 сўмга сотганлиги, ушбу пулларни у боғча қурилишида ишлаган уста ҳақларини тўлашга ишлатганлиги, пулларни Б.Хга белгиланган вақтда бера олмаганлиги, шунда Б.Х пулларини сўраб И.Анинг олдига бир неча мартаба келганлиги, июль ойларида И.А Б.Хга ундан 100.000.000 сўм қарзи борлиги, ушбу пулларни 25 июль кунига қадар бера олмаса 110.000.000 сўм қилиб қайтариб бериши ҳақида тилхат ёзиб берганлиги, ушбу тилхатга гувоҳ бўлиб А.Р ва А.Алар имзо чекиб беришганлиги, ҳозирги кунда унинг ҳақиқий қарзи 80.000.000 сўм эканлиги ҳақида кўрсатув бериб, суддан унга нисбатан енгилроқ жазо тайинлашни сўради.

Суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи Х.Б.И ҳақиқатдан ҳам 2019 йил 28 апрель кунини ўз уйида бўлганлиги, у уйда бўлган пайтда А.Р ва И.Алар унинг уйига келганлиги, И.А ундан қора моллар олмоқчилиги айтганлиги, унинг 14 бошқ қора моллари бўлганлиги, шунда И.А улардан 9 бошқ қора молларни танла, умумий нархини 85.000.000 сўмга ишишганлиги, шунда И.А унга олдиндан 4.500.000 сўм пулларни берганлиги, қолган 80.500.000 сўм пулларни бир ой ичида бўйиб-бўлиб



бериши, у унинг таклифига рози бўлганлиги, ушбу белгиланган вақтда И.А пулларни бера олмаганлиги, ушбу масала бўйича у И.Анинг олдига бир неча маротаба борганлиги, шунда июль ойларида у И.Анинг уйига борганлиги, И.А шунда ундан 100.000.000 сўм қарзи борлиги, агар ушбу пулларни 25 июль кунига қадар бера олмаса ушбу пулларни 110.000.000 сўм қилиб қайтариб бериши ҳақида тилхат ёзиб берганлиги, ушбу тилхатга холис сифатида А.Р ва А.Айткуловлар имзо чекиб беришганлиги, И.А ушбу тилхатга “TIGUL” МЧЖга тегишли мухрни босиб берганлиги ҳақида кўрсатув бериб, ҳозирги кунда И.Анинг ундан 80.000.000 қарзи бор деб ҳисоблаши, суддан ушбу пулларни унга ундириб беришини ва унга нисбатан қонуний жазо тайинлашни сўради.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ Р.А ҳақиқатдан ҳам И.А унинг катта қизининг кўшниси бўлганлиги, у қизининг уйига борганида И.А билан танишганлиги, бир куни у И.А билан учрашганлиги, суҳбат давомида И.А унга бир боғча қурилишини тендирдан ютиб олганлиги, ушбу боғчани қуриш учун унга 2.700.000.000 сўм пуллар ажратилганлиги, бироқ ушбу пуллар хали унинг ҳисоб рақамига келиб тушмаганлиги, шу сабабли у ўз ёнидан харажат қилганлиги, шу кунларда қурилиш ишлари тўхтаб қолганлиги, сабаби унинг кўлида ишлайдиган ишчиларга пул бера олмаганлиги бўлганлиги, шунда у унинг “Бахром” исми таниши борлиги, у қора моллар олди бердиси билан шуғулланиши, ушбу масала юзасидан унга мурожаат қилишни таклиф қилганлиги, шунда улар Қибрай туманига Б.Хнинг уйига келганлиги, улар Б.Хдан қора мола сотиб олишларини айтганлиги, улар қора моллар ичидан 9 бош қора молларни танлаб олишганлиги, қора молларни нархини 85.000.000 сўмга келишишганлиги, И.А олдиндан Б.Хга 4.500.000 сўм пулларни берганлиги, қолган пулларни у 1 ой давомида қилиб бериши ҳақида айтганлиги, Б.Х унинг шартларига кўнганлиги, улар қора молларни олиб шу захоти бозорга олиб бориб, 75.000.000 сўмга сотиб юборишганлиги, пулларни эса боғча қурилишида ишлаётган ишчиларга тарқатиб беришганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Судланувчи И.Анинг фирибгарлик, яъни алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мол-мулкани кўлга киритишдаги айби, юқорида қайд этилган кўрсатмалардан ташқари, жабрланувчиларнинг аризалари, тилхатлар, тушунтириш хатлари ва жинойт ишида тўпланган далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топди.

Суд, судланувчи И.Анинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериб, дастлабки тергов органи томонидан унинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” банди, яъни фирибгарлик, яъни алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани кўп мифдорда кўлга киритиш жинойт аломатлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи И.Ага нисбатан жазо тайинлашда, унинг шахсини, оилавий яшаш шароитини, шунингдек, содир этилган жинойтнинг ҳусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳамда жинойт ишидаги барча енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига,



жабрланувчиларга етказилган зарарлар тўлиқ қопланмаганлигини, шу билан биргаликда 60 ёшдан ошганлигини, зарарни қисман тўлганлигини инобатга олиб ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорига амал қилган ҳолда, судланувчи А.И.Мга ЖКнинг 57-моддасини қўллаб модда санкциясида кўратилмаган озодликни чеклаш жазосини тайинлашни ва етказилган зарарни қолган қисмини бир ой муддатда қоплаш мажбуриятини юклашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Шунингдек, И.А. Жиноят ишлари бўйича Янгийўл туман судининг 2020 йил 27 январдаги ҳукмига кўра тайинланган жарима жазосини ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми, 61-моддаларига асосан тўлиқ қўшиб жазо тайинлашни лозим бўлади.

Бундан ташқари суд, А.И.Мдан жабрланувчи Х.Б.И фойдасига 80.000.000 сўм моддий зарар ундиришни белгилашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468, 471-473-моддаларига асосланиб, суд

## Ҳ У К М Қ И Л Д И :

А.И.М Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга ушбу модда билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 5 йил озодликдан чеклаш жазоси тайинлансин.

ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми, 61-моддаларига асосан Жиноят ишлари бўйича Янгийўл туман судининг 2020 йил 27 январдаги ҳукмига кўра тайинланган жарима жазосини тўлиқ қўшиб, базавий ҳисоблаш миқдорнинг 200 баравари миқдорида яъни 44.600.000 сўм жарима жазоси ва 5 йил озодликдан чеклаш жазоси тайинлансин.

А.И.Мнинг яшаш уйи, яъни Тошкент вилояти Паркент тумани, Ёшлик маҳалласи, Қурувчилар кўчаси, 1-уй, 5-хонадон жазони ўташ жойи этиб белгилансин.

А.И.Мга нисбатан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан соат 22:00 дан 06:00 гача тарк этиш таъқиқлансин.

А.И.М зиммасига қуйидаги қўшимча тақиқлар:

- кишининг ақл идрокига, иродасига таъсир қиладиган моддалар ёки моддаларга эга бўлмаслик ва уларни ўзида сақламаслик;

- оммавий тадбирларни ўтаказилишида қатнашмаслик, алкоғолли ичимликлар истеъмол қилмаслик;

- жабрланувчига нисбатан етказилган моддий зарар ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бир ой давомида қоплаш мажбурияти юклатилсин.

Озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ижро этиш Тошкент вилояти Паркент тумани ички ишлар органининг жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан амалга оширилсин.

Озодликни чеклаш муддати маҳкум жазоларни ижро этиш инспекциясида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

А.И.Мга жазони ўташ муддати давомида Ўзбекистон Республикаси



ЖКнинг 48<sup>1</sup>-моддаси 6-қисмида назарда тутилган оқибатлар юзага келиши мумкинлиги тушунтирилсин.

И.Ага нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

А.И.М томонидан гаров учун тўланган 10.000.000 сўм пуллар жабрланувчи Б.Х ҳисобига ўтказилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар, ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида апелляция тартибида, ушбу муддат ўтиб ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судига шикоят ёки протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

.....

